
МАРҒИЛОН ШАҲРИДА ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ СОНИ ОРТМОҚДА

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов билан бирга Марғилон шаҳрида бўлиб, шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнлари, берилган топшириқлар ижроси, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантириш каби йўналишларда амалга ошириладиган ишлар юзасидан ўрганиш олиб борди.

Юксалиш МФЙ ҳудудида “Sadaf gaz avto” МЧЖ томонидан жорий йил якунига қадар ишга туширилиши режалаштирилган трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонаси қурилиши ишлари бошланди. Лойиҳа учун 25 млрд. сўм миқдоридан маблағ сарфланиши белгиланган. 60 сотих майдонда қад ростлаётган ушбу корхона ишга тушса 80 та иш ўрни яратилади.

Шу ҳудудга ёндош жойда тадбиркор Абдусамад Марупов ташаббуси билан 80 сотих майдонда момик сочиқ ва пайпоқ ишлаб чиқариш корхонаси қурилмоқда. Лойиҳанинг биринчи босқичи якунланмоқда. Натижада 50 га яқин ишчи-ходим бандлиги таъминланади. Тадбиркорнинг банк кредити бўйича қилган мурожаати кўриб чиқилиши ва ёрдам кўрсатилиши маълум қилинди.

Шаҳардаги “Айланма йўл” КСЗда ҳам қатор ишлаб чиқариш лойиҳалари билан танишилди.

Тадбиркор Муҳаммадшер Обиджонов 5 сотих майдонда тўқувчилик фаолиятини йўлга қўйди. Бунинг учун 1,1 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. 10 та иш ўрни бор. Йилига 100 минг дона тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши белгиланган.

Достонбек Шаропов эса 5 млрд. сўм маблағи ҳисобига 25 сотих жойда пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Ускуна ва жиҳозлар Хитойдан келтирилмоқда. 30 та иш ўрни яратилган янги корхона жорий йил май ойида ишга туширилиши кўзда тутилган.

Хунармандлар авлодидан бўлган Абдумухтор Нурматов ҳам атлас, адрас маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини йўлга қўйиб, маҳаллий 20 нафар аёл-қизларни ишли қилди. Тадбиркор ушбу лойиҳани янада кенгайтириш ҳисобига иш ўринларини 50 тага олиб чиқиш ва хорижга экспортини йўлга қўйиш бўйича ҳаракат қилмоқда.

"Қумтепа Файз экспорт" МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 2 млн. доллар бўлган музлатгич омборхона, логистика хизмати ва пластмасса яшиқ ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жорий йил якунида ишга туширилиши режалаштирилган. Яратиладиган иш ўрни 50 тани ташкил қилади.

Тадбиркорлар билан мулоқот қилган вилоят ҳоқими, янги корхоналарни тез фурсатларда ишга тушириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, катта ва хориж бозорларига кириб бориш, экспортбоп маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тавсиялар берди, лойиҳаларни тезлаштириш учун ҳар томонлама кўмак беришга тайёр эканликларини билдирди. Тадбиркорларнинг вилоят раҳбарига қатор масалалардаги мурожаатларига ижобий ечим белгиланди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)